


ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ

МУҲАММАД ХОРАЗМИЙНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ



Пирмат Шермухамедов

**МУҲАММАД
ХОРАЗМИЙНИНГ
СЎНГГИ МАНЗИЛИ**

илмий-маърифий қисса

**«NOSHIR»
Тошкент
2011**

УДК: 821

ББК 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати.

Тақризчилар:

Аираф Аҳмедов, тарих фанлари доктори, Давлат мукофоти лауреати,

Маҳкам Маҳмудов, филология фанлари номзоди.

Ўз асарлари билан жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломалардан бири Муҳаммад Хоразмийдир.

Мазкур қиссада алломанинг ҳаёт йўли ва бой илмий мероси қизиқарли ҳикоя қилинган.

ISBN 978-9943-353-39-8

© «Noshir» nashriyoti, 2011 й.

© Пирмат Шермухамедов, 2011 й.

МУҚАДДИМА

Хоразмлик буюк аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва илмий-иҷодий фаолияти ҳақида асар ёзиш истаги кўнглимда ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирилари ва олтмишинчи йилларининг бошларида туғилган эди.

Куни кечагидек аниқ эсимда. 1959 йил. Баҳор ойининг сўнгги кунлари. Жума куни Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-филология факультети талабалари ҳузурига таниқли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймон меҳмон бўлиб келди. Ҳамид ака худди халқ достонларида тасвирланган қаҳрамонлар каби виқорли, кенг елкали, бақувват, келишган одам экан. Ўзи ҳикоя қилишича, Ҳамид ака урушдан кейинги йилларда кино-ҳужжатчи касбини ташлаб, ҳаётини мумтоз адабиёт тарихини ўрганишга бағишлайди.

Тиниб-тинчимас фидоий олим бир неча йиллар давомида Деҳли, Париж, Анқара, Лондон сингари шаҳарларга иҷодий сафар қилиб, у ерларга турли сабаблар билан олиб кетилган Навоий, Бобур, Ҳофиз Хоразмий каби буюк боболаримизнинг асарларидан кўчирма нусхаларни юртимизга қайтариб, тадқиқ этиб, нашр қилиб, илмий муомалага киритди. У аллома шоир Навоийнинг ёш вақтида тузган «Бадое ул-бидоя» девонининг шоир ҳаётлигида кўчирилган факсимиле нусхасини 1964 йилда нашр этди.

Ҳамид Сулаймон бошлаб берган бу қутлуғ анъана кейинчалик бошқа олимларимиз томонидан давом эттирилди. Масалан, таниқли адабиётшунос Суйима Фаниева Алишер Навоийнинг шахсий муҳри ва дастхатини қўлга киритиш мақсадида олти марта Эронга сафар қилган. Ва ниҳоят узоқ изланишлардан сўнг буюк шоирнинг Машҳадда сақланаётган «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги мана бу битикларни ўқишга муваффақ бўлган:

*Зиё ул-ҳақ ва-д
дунё ва-д дин
Бериб иккинчи
девонимга тазйин.
Савод узра савод
ар қилди мастур,
Вали маънидадур
нур аъло нур.*

Маъноси: Устоз Жомий Алишер Навоий тузган иккинчи девонни ўқиб чиқиб, тазйин берди, яъни зийнатлади. Яъни бу байтларга кўпгина маъноларни яширин беришни ўргатди.

Ушбу мумтоз сатрларнинг тагига шоирнинг шахсий муҳри босилган. Муҳрга нақшланган ҳар бир сўзда буюк бобомизнинг ўтли нафаси шундоққина сезилиб турибди:

«Кун фи-д-дунё кааннака ғарибун ав обиру сабилун ал-фақир Алишер» («яъни, Сен дунёда ғарибдек ёки мусофирдек яшагил, фақир Алишер»).

Шоирнинг муҳри билан унинг ҳақиқий расмини юртимизга олиб келиш учун олима салкам йигирма йил машаққат чекди. Бу ва шу хилдаги ҳаётий мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Низомий номидаги муаллимлар институтида (ҳозирда университет) биз талабалар билан бўлган ўша учрашувда берилган турли саволларга жавоб берар экан, устоз Ҳамид Сулаймоннинг яна шундай деганлари эсимда:

— Энди нафақат шоирларимизнинг, балки, табиий фанлар билан шуғулланган аллома боболаримизнинг ҳам бой меросини ўрганиб, нашр қилиш пайти етиб келди. Шу мақсадда яқин кунлар ичида Ҳиндистонга сафар қилишни режалаштириб турибман. Бу гал Муҳаммад Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний асарлари тақдири билан ҳам қизиқмоқчиман.

Олимнинг ушбу сўзлари хотирамда муҳрланиб қолган экан. Вафотидан бир неча муддат аввал шифохонада ётган чоғи устозни кўргани борганимда гап орасида «Тезроқ соғайиб, Ҳинд сафарига борсангиз ажойиб бўларди», деб тилагимни айтдим. Сафар сўзини эшитган Ҳамид ака маънос бир ҳолатда «Мен энди бунга улгурмасам керак» деб қолдилар.

Мана шу суҳбатдан кейин орадан бир оз вақт ўтиб, талабалик йилларида бизга сабоқ берган домлам Мақсуд Шайхзодани кўргани унинг мутахассислар уйидаги хонадонига бордим.

Танишиб билдимки, устознинг мўъжазгина ижодхонасида Муҳаммад Хоразмийнинг асарлари, Бағдод халифалиги тарихига доир китоблар алоҳида териб қўйилган экан.

— Ҳайрон бўлманг, — деди хонадон соҳиби менинг айрича қизиққанганимни сезиб, — мана бир йилдирки, улуғ юртдошингизнинг асарларини берилиб мутолаа қилаяпман. — Тўғриси айтсам, мени алломанинг «Китоб сурати ал-арз» асари кўпроқ қизиқтиради. Яшириб нима қиламан, унинг замин харитаси устида қандай ишлаганлиги хусусида драма ёзиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Мен ўша йиллари Муҳаммад Хоразмийнинг илмий ижоди, унинг асарлари ҳақида шунчаки, умумий маълумотларни билар эдим, холос. Алломанинг дунё харитасини тасвирлаб берувчи китоби ҳақида-ку эшитмагандим ҳам.

Мақсуд Шайхзода суҳбат асносида сирли кулимсираб, деди:

— Ў... бу ерда ғалати тилсим бор... Сиз унинг «Расм ар-рубъ ал-маъмур» асари ҳақида эшитганмисиз?

Гапнинг ростки, мен бу масалада алифни калтак деёлмаслигимни тан олиб, дедим:

— Муҳаммад Хоразмий китобининг бунга нима алоқаси бор?

— Ҳамма гап шунда-да, — устоз завқланиб тиззаларига ургандилар, қаршимда кўп машаққатлар-у сургулларга дучор бўлган шоир эмас, ғайрати ичига сиғмаётган тенгдошим тургандай туюлиб кетди.

— Ҳамма гап шундаки, — дея сўзини давом эттирди хонадон соҳиби, — Ўрта асрларда Оврупода жуғрофий олимларнинг асарлари учун асос бўлиб хизмат қилган сирли араб харитасини шундай аташган. Бироқ улар афсонавий «Маъмун харитаси»нинг асл нусхасини топа олмаганлар. Айрим тарихий манбаларда ёзилишича, бу фаройиб харитада денгизчилар томонидан кашф қилинган кўпгина нотаниш жойларнинг тасвирлари ҳам бор экан. Яна бир муҳим гап шуки, узоқ йиллар Оврупо олимлари ва ҳатто, ўзимизнинг

олимларимиз ҳам бу хаританинг аслида мавжуд эканлигига шубҳаланиб юришган. Бироқ, буни қарангки, харита барибир бор экан.

— Мана бу араб олими ал-Мақдисийнинг китоби, — деди у ҳаяжон билан. — Унда ёзилишича, халифа «ал-Маъмун харита»сини тайёрлашга жуда кўп олимлар сафарбар этилган. Тушунаяпсизми, гап қомусий аллома Муҳаммад Хоразмийнинг фалакиёт, риёзиёт, тарих сингари жуғрофияга бевосита алоқадор бўлган соҳаларда ҳам кўпчилик алломаларга бошқош бўлганлиги ҳақида бормоқда. Воқеаларнинг бир-бири билан боғланишини ҳис этаяпсизми?

Шундай қилиб, мен илк бор сеvimли шоиримиз Мақсуд Шайхзодадан «Ернинг сурати» китоби «Маъмун харита»сининг изоҳлари эканлиги хусусидаги тахминларини эшитдим.

«Ўзларидан сўрасак» дея доимо камтарона жилмайиб турадиган шоир билан ўша галги учрашув Муҳаммад Хоразмий ҳақидаги фикрларимни яна ҳам бойитди.

Шу учрашувдан кейин бир неча йиллар ўтиб, тақдир мени халқимизнинг ардоқли фарзанди, фидойий олим, академик Иброҳим Мўминовга рўпара қилди.

1969 йил. Январь ойининг сўнгги кунлари. Бир ой аввал, 1968 йилнинг декабрида Москва давлат университети филология факультетининг илмий кенгашида номзодлик диссертациясини ёқладим. Бир ойлардан кейин пойтахтга келиб, Тошкент давлат педагогика институтида иш фаолиятини бошлаб юбордим.

Бир куни талабаларга маъруза ўқиётган эдим, ректорнинг ёрдамчиси хонага кириб, мени фирқа марказқўмининг маданият бўлимига чақиришаётганини хабар қилиб кетди. Шу куни бўлим мудирини излаб топдим. Аммо унинг муомаласи ҳайратимни ошириб юборди.

— Гуноҳингизни биласизми? — деди у, ҳе йўқ, бе йўқ, дағдаға билан.

— Билмайман.

— Манави илмий ишни ким ёзган?

Мудир таглари чизилавериб, қоғоздаги матни ҳам анчагина чаплашиб кетган диссертацияни қўлимга тутқазди.

— Танидингизми?

— Танидим.

– Сиз уялмай-нетмай ҳурматли ёзувчиларимизни ҳақорат қилгансиз?!

– Кечирасиз, мен ҳеч нимани тушунмаяпман.

– Ўзингизни гўлликка солманг?

– Хатойим нима эканини билиб олишим керакми, ахир?

– Ҳозир иккаламиз Рафиқ Нишоновнинг олдига чиқамиз. Қолган гапларни ўша ерда эшитасиз.

Мудир билан узун-қисқа бўлиб, бир зумда бинонинг тўртинчи қаватига кўтарилдик.

Мафкура котиби бизларни кўриши билан ўз-ўзидан бақариб кетди.

– Сиз кимсиз ўзи? Нега ёзувчиларимизга «тош отасиз»? Билиб қўйинг, энди Сизга номзодлик дипломи берилмайди. Топган гапингизни қаранг... Фалон адибнинг (катта мансабдорнинг) ижобий қаҳрамонларига индивидуал қиёфа етишмас эмиш. Нима, бизларни ҳеч нимани тушунмайдиган гўл, чаласавод мулла деб ўйладингизми? Чучварани хом санабсиз!

Рафиқ Нишонов рўпарасида қунишиб ўтирган мудирга тикилиб, жаҳл билан деди:

– Бу кишининг диссертацияси бўйича Иброҳим Мўминов, Комил Яшин ва Иззат Султонлардан иборат махсус комиссия тузилган. Ана шу комиссиянинг фикри асосида аниқ бир хулосага келамиз.

Эртаси куни пединститут ректори Шопўлат Абдуллаев мени ўз ҳузурига чақариб, ўқитувчилик вазифасидан озод қилинганлигимни эълон қилди. Шундай қилиб, оилам учун сув билан ҳаводек зарур бўлган маош олишдан маҳрум бўлдим. Рўй берган хунук воқеаларни ўйлайвериб, касал бўлиб қолдим. Нима қилишимни, кимдан қандай маслаҳат олишни билмай бошим қотди. Комиссия аъзолари олдига боришга эса юрагим дов бермасди.

Шундай таҳликали кунларнинг бирида таниш ёр-биродарлар мени академик Иброҳим Мўминов йўқлаётганини айтиб қолишди. Хабарни эшитишим билан минг хил ўй-фикрлар гирдобида академикнинг ҳузурига йўл олдим. Қабулхона котиби – ўрта бўйли ёш йигит менинг келганлигимни айтиш учун ичкари кирди.

– Кирсин, – деган овоз эшитилди.

Иброҳим Мўминов илиқ кутиб олиб, ўтиришга жой кўрсатди.

— Диссертациянги билан танишиб чиқдим, — деди у бир оз очилиб, — табриклайман. Ҳозир бу ҳақда Рафиқ Нишоновга ҳам айтиб кўяман.

Шу заҳоти академик махсус ҳукумат телефони орқали мафкура котиби билан уланди.

— Рафиқ Нишонович, ёш олим Пирмат Шермухамедовнинг илмий иши билан танишиб чиқдим. Диссертация асосли ва мукамал ёзилган. Ўз фикримни Шароф Рашидовга ҳам айтаман. Бу йигитни имкон борича қўллаб-қувватлаш лозим. Тухмат хати ёзган муаллиф билан шахсан ўзим гаплашаман.

— Ҳозир қаерда ишляяпсиз? — қизиқиб сўради Иброҳим Мўминов.

— Пединститутда ишлаётган эдим, мана шу воқеа туфайли вазифамдан четлатишди.

Академикнинг қовоқлари уюлиб, юзи қаҳрли тус олди.

— Бу ҳақда ректор билан гаплашаман, яна ўз ўрнингизда ишляйсиз. Келинг, энди бир-биримиз билан яқиндан танишиб олайлик. Сиз қаерда туғилгансиз?

— Хоразмда.

— Хоразмлик буюк аллома Муҳаммад Хоразмий ҳақида эшитганмисиз?

— Эшитганман. Аммо, тўғриси айтсам, асарлари билан таниш эмасман.

— Алломанинг ҳинд рақамларига асосланган «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асари ҳозирги кунда биз фойдаланаётган электрон ҳисоблаш системаси ЭҲМлар (компьютерлар)нинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Минг афсуски, буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва серқирра илмий фаолияти ҳақида бирон-бир йирикроқ асар ёзилмаган.

Иброҳим Мўминов бирпас сукутга толди. Сўнгра ўрнидан туриб, шкафдаги тахланиб турган китоблардан бирини олди-да, дастхат ёзиб менга узатди. Китобнинг номини ўқийман: «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». Дарров дастхатга кўз югуртириб чиқдим:

«Дўстим Пирмуҳаммадга! Хоразмлик буюк аллома ҳақида асар ёзишингизни умид қиламан. Барчамизни улуғ бобомиз Амир Темур руҳи қўлласин. Иброҳим Мўминов. Имзо».

— Китоб билан танишиб чиқинг, — деди Иброҳим ака, — вақти-соати келиб, мен сизга ўзимиздан чиққан «Ўзбек-ўрислар» ҳақида айтиб бераман. Археолог С.Толстов ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Ана ўша фидоий олим умрининг асосий қисмини Хоразм тарихини ўрганишга бағишлади. Юртимизнинг шайдоси бўлган бу инсон мақолалар ва китоблар ёзиб, Шарқда хусусан, Хоразм жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири эканлигини, ўн тўртинчи асрга қадар овруполиклар бу маданиятга сиғиниб келганликларини исбот қилди. У ўша фикри учун СССР фанлари академиясининг йиғилишида ҳайфсан ҳам олган.

Олим ўлими олдидан битган васиятида ўзини Хоразмнинг қадимий қалъаларидан бири саналган Тупроққалъага дафн этишларини сўраган. Мана сизга миллати бошқа бўлган инсоннинг фанга, тарих ҳақиқатига фидоийлиги. Ўзимизнинг айрим сохта олимларимиз эса уялмай-нетмай улуғ боболаримиз хотирасига тош отиб, уларнинг табаррук номларини булғамоқчи бўладилар...

Орадан бирмунча йиллар ўтиб, Иброҳим Мўминовнинг ушбу ибора орқали кимларни назарда тутгани ва нималарга шама қилганини бироз англаб етгандай бўлдим.

Шу муносабат билан Ҳамид Сулаймоннинг «Тарихни сохталаштириш даври эсдаликлари»ни тилга олиб ўтиш зарурати туғилди: «Бир куни академик Иброҳим Мўминов мени ҳузурига чақириб, шундай деди:

— Энди тарихий шахслар ҳаётини, биринчи навбатда Амир Темурнинг фаолиятини ўрганиш имконияти туғилди. Бу масалалар бўйича қандай илмий ишлар қилинган?

— Афсуски, бу соҳада бирон-бир жиддий иш олиб борилмаган, биласиз, бундай масалаларни режалаштиришнинг имкони йўқ, барибир рухсат берилмайди. Менимча, хоҳиш, ирода ва жасорат бўлса, йўлини топса бўлади.

— Ҳамидулла, қачонгача ватани ва халқига фидокорона хизмат қилган давлат арбобларининг номлари қораланади? Сизга топшириқ шуки, мутахассислар билан Амир Темур ҳақида ёзиладиган илмий ишлар хусусида гаплашинг.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/234> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/234> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/234>